

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ»  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**УМАРОВА МАЛИКА БАХТИЯРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on economical Sciences**

**Умарова Малика Бахтияровна**

Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари..... 3

**Умарова Малика Бахтияровна**

Перспективы развития банковской инфраструктуры в Узбекистане ..... 29

**Umarova Malika Bahtiyarovna**

Prospects for the development of banking infrastructure of Uzbekistan ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ»  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

**УМАРОВА МАЛИКА БАХТИЯРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Iqt585 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ТДИУ хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот марказида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyo Net» таълим ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Норбой Ғаниевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Шарбат Зулфикаровна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Саттаров Одилжон Бердимуратович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.:(99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) илмий диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда банк тизимида ривожланиб бораётган инфратузилма, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, банк тизимида рақамли банкингнинг ривожланиши рақобат муҳитининг кескин ошиб боришига олиб келмоқда. «Инфратузилмаси юқори даражада ривожланган банклар ўз хизматларини Digital banking, mobile banking, neobankingлар орқали тақдим этиб келмоқда. 2018 йилда «PwC»томонидан «Digital champions» рақамли банк ривожланган мамлакатлар рейтинги тузилди, ушбу рейтингга кўра, Данияда – 89%, Норвегияда – 87%, Швеция – 86%, Ҳиндистон – 45%, Россия – 30%, Ўзбекистонда – 9,58% аҳоли рақамли хизматлардан фойдаланувчиларни ташкил этди»<sup>1</sup>. Бу эса ривожланган давлатлар ўз банклари инфратузилмасини ривожлантириш натижасида миждозларни банкларга жалб этишга катта эътибор қаратаётганини билдиради. FIS халқаро компанияси маълумотларига кўра, «миждозларнинг умумий қониқиш даражаси бўйича Англиядаги рақамли банклар анъанавий банклардан ўзиб кетган»<sup>2</sup>. Британияликлар иштирокида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, «рақамли банклар» миждозларининг 76%и ўз молиявий муассасасидан «жуда мамнун» эканликларини қайд этган бўлсалар, дунёнинг Топ-50 рейтингига кирувчи банк миждозларида эса ушбу кўрсаткич 69 %ни ташкил этган.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг «рақамлашуви» шароитида Интернет ва ахборот коммуникацион технологиялар ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб келиши натижасида банк тизимида ҳам рақамли технологиялардан фойдаланиш жадаллашиб кетди. Банк инфратузилмасининг ривожланиш даражаси йилдан-йилга ортиб, анъанавий кўринишдаги банклар ўрнини рақамли банклар, шунингдек, бир турдаги банк хизматлари ўрнини масофадан бошқарилувчи хизматлар ва рақамли банк хизматлари эгалламоқда. Жаҳон банк тизими рақамли банклар, мобиль банклар, необанклар, рақамли технологиялар, институтлараро банк маҳсулотларини етказиб беришни таъминловчи дастурий интерфейс иловалари билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Шу билан бирга, банк инфратузилмасини рақамли ва инновацион технологиялар ёрдамида ривожлантириш, банк хизматлари оммабоплигини ошириш борасида комплекс илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантиришда банк хизматлари оммабоплигини ошириш, тўлов тизимида рақобатни ривожлантириш, шунингдек, уни янги замонавий тўлов тизими воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сон Фармонида<sup>3</sup> молия бозорини ривожлантириш асосида банк тизимини ислоҳ қилиш, нақд пулсиз

<sup>1</sup> [www.pwc.ru/ru/publications/digital-champions.html](http://www.pwc.ru/ru/publications/digital-champions.html)

<sup>2</sup> <https://psm7.com/news/cifrovye-banki-oboshli-tradicionnye-po-urovnyu-obsluzhivaniya-issledovanie.html>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Т.: «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», № 6, 2017 йил 13 февраль.

ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, банкларда хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда аҳоли маблағларини банк омонатларига жалб қилиш сингари устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган вазифалар танланган диссертация мавзуси доирасида тадқиқотларни амалга оширишда мақсадли йўналишларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 19 сентябрдаги «Тўлов ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5296-сон Фармони, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 3 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий тадқиқотларда «банк инфратузилмаси» тушунчаси XX асрнинг 80-йилларида қўллана бошлаган. Ушбу мавзу доирасида кўплаб хорижлик олимлар, хусусан, П.Розенштейн-Родан, В.Стаханов, А.Ю.Шарипов, Л.Г.Чернюк ва Л.С.Ананьев, Г.П.Журавлева, Е.Г.Ясинлар<sup>4</sup> томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Иқтисодий адабиётларда «банк инфратузилмаси», «банк хизматлари бозори инфратузилмаси» иборалари кўпроқ банк тизимида бозор муносабатлари механизмларидан фойдаланилгандан кейин учрай бошлади. Шунингдек, банк инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари россиялик иқтисодчи олимлар О.В.Баско, Г.Н.Белоглазова, О.И.Лаврушин, С.Е.Дубова, О.М.Маркова, Е.Ф.Жуков, Ю.В.Головин, Е.С.Шайхутдинованинг<sup>5</sup> ишларида тадқиқ этилган. Юқорида санаб ўтган олимлар банк инфратузилмаси хусусида ўз фикрларини келтирган. Аммо Ғарб иқтисодчи олимлари томонидан «банк инфратузилмаси» тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Халқаро етакчи молия ташкилотлари томонидан олиб

<sup>4</sup> Ясин Е.Г. Хозяйственные системы и радикальная реформа. – М.: Экономика, 2014.

<sup>5</sup> Маркова О.М. Основные направления продвижения банковских продуктов в системе банковского маркетинга в российских коммерческих банках. Interactive science 5 (15) 2017 128 с.; Кудряшов В.С. Птицын Е.Ю. Перспективы развития интернет-банкинга как услуги коммерческого банка. Juvenis scientia 2017 № 6. – С. 19-20.; Головин Ю.В. Банки и банковские услуги в России: вопросы теории и практики. – М.: Финансы и статистика, 2014. 440 с. Банковское дело: учебник/ под ред.проф. О.И.Лаврушина. – М.: Кно Рус, 2013. 800 с.; Деньги. Кредит. Банки: учеб. Для вузов/ под ред.Е.Ф.Жукова. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2003. 600 с.; Банковское дело: учебник / под ред. проф. Г.Г.Коробовой. – М.: Магистр, 2009. 590 с.; Котов А.В. Формирование и развитие банковской инфраструктуры в России. Саратов. 2004. 19 с.; Шайхутдинова Е.С. Вестник экономики, права и социологии., 2015. №1. С.72-77; Мисифуллина Ю.И. Формирование и развитие банковской инфраструктуры в условиях рыночных отношений. Дисс.к.э.н. – Оренбург, 2007.

бориладиган молиявий инклюзивлик мезони бўйича тадқиқотларнинг бир қисми айнан банк инфратузилмасига доир мавзуларни қамраб олади.

Молиявий инклюзивлик мезонига доир Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки сингари халқаро молия институтлари ҳамда М.Камей, М.Марктаннер, Г.Харихан, М.Гарсия, А.Мехротра, Р.Сахай, А.Бабажида, Н.Кламара, Х.Пена, Д.Кракнел<sup>6</sup> каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларнинг фикрича, молиявий инклюзивликнинг ошиши, аввало, ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига олиб келади, бунинг натижасида иқтисодий ўсишга эришилади.

Ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида ҳам ушбу муаммони ўрганишга эътибор қараттиб келинмоқда, жумладан, Ш.Р.Ражаббаевнинг илмий тадқиқотларида банк-молия инфратузилмаси ривожланишининг молия бозорига таъсири ёритиб берилган. Шунингдек, иқтисодчи олимлар: Н.Х.Жумаев, А.Қ.Қодиров, О.А.Алиқориев, Н.Ғ.Каримов, Ш.З.Абдуллаева, Т.И.Бобоқулов, Т.Қоралиев, А.Омонов, О.Б.Сатторов, С.А.Абдуллаева, М.Б.Мўминова, М.М.Абдурахмонова, З.Т.Мамадияров<sup>7</sup> ларнинг илмий тадқиқотларида эса мамлакатимизда банк тизими ва уни ривожлантириш истиқболларига бағишланган масалалар ўрганилган.

Шу ўринда, бугунгача мамлакатимизда банк инфратузилмаси бўйича алоҳида мустақил тадқиқот иши амалга оширилмаганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Юқорида номлари келтирилган олимларнинг банк тизими, банк хизматлари, масофавий банк хизматлари доирасида олиб борган илмий-назарий ёндашувлари мавжуд бўлса-да, банк инфратузилмасининг назарий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли тадқиқот олиб бориш зарурати мавжуд.

---

<sup>6</sup> Carney M. Enabling the FinTech transformation: Revolution, Restoration, or Reformation? // Speech at the Lord Mayor's Banquet for Bankers and Merchants of the City of London at the Mansion House, London. 16 June 2016. Vighneswara Swamy Bank-based financial intermediation for financial inclusion and inclusive growth. Banks and Bank Systems, Volume 5, Issue 4, 2010. P 63-73.; Leyshon, A. and N. Thrift (1995). Geographies of financial exclusion: financial abandonment in Britain and the United States, Transactions of the Institute of British Geographers, New Series, Vol. 20, No. 3, pp. 312-41.; Carbo, S., E.P.M. Gardener, P. Molyneux (2005). Financial Exclusion, Palgrave MacMillan; Mohan, Rakesh (2006). Economic growth, financial deepening and financial inclusion, address at the annual bankers' conference, Hyderabad on November 3, 2006.

<http://rbidocs.rbi.org.in/rdocs/Speeches/PDFs/73697.pdf>; Kempson, E., A. Atkinson and O. Pilley (2004). Policy level response to financial exclusion in developed economies: lessons for developing countries, Report of Personal Finance Research Centre, University of Bristol.; Barr. M. (2004). Banking the poor, Yale Journal on Regulation, 21, pp. 122-239.

<sup>7</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Докторлик диссертацияси. – Тошкент, 2000.; Омонов А.А «Банк капиталини самарали бошқариш масалалари» Иқт.фан.док... диссертация автореферати. – Т, 2004. 366, Сатторов О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқт. фан. док... дисс. Автореферати. – Тошкент, 2018. – 32 б.; Абдуллаева С.А. Тижорат банклари тўлов қобилятини мустаҳкамлаш йўллари. Иқт. фан. ном...дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – 24 б.; Мўминова М.Б. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш. Иқт. фан. ном...дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – 25 б.; Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Иқт. фан. ном...дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 28 б.; Абдурахмонова М.М. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Иқт. фан. ном...дисс. автореферати. – Тошкент, 2010. – 25 б.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши ТДИУ хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот марказининг фундаментал илмий лойиҳа йўналишига боғлиқ равишда амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон банк тизимида банк инфратузилмасини ривожлантириш бўйича илмий-услубий ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

банк инфратузилмасига доир иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий ёндашув ва қарашларини тадқиқ қилиш асосида муаллифлик ёндашувини шакллантириш;

банк инфратузилмасининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва ривожланиш жиҳатларига баҳо бериш;

Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантиришда меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг амалдаги ҳолати таҳлилин асосида амалга ошириш;

банк инфратузилмасини ривожлантиришда тизимдаги муаммоларни аниқлаш ва хориж тажрибасини ўрганиш асосида таклифлар ишлаб чиқиш;

банк инфратузилмаси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро алоқадорликни эконометрик моделлар асосида аниқлаш ва баҳолаш;

банкларда инфратузилмани ривожлантиришда «рақамли банк технологиялари» дан фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг банк инфратузилмаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тижорат банкларида банк инфратузилмасини ривожлантиришда юзага келувчи иқтисодий-молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияни тайёрлаш жараёнида илмий абстракция усули, объективлик тамойили, кузатиш, таққослаш, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, сўровнома, корреляцион ва регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

миллий тўловлар тизимини халқаро тўлов тизимларига муваффақиятли интеграциялашда тўлов тизими инфратузилмалари асосида валютани конвертациялашни мобиль иловалар, интернет банкинг орқали амалга ошириш механизми асосланган;

банк тизимини замонавий банк инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш ва уни ривожлантириш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмини оширишда «Cash to card», «Cash-in» банкоматлари ва «NFC», «QR» кодлар ёрдамида тўловларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган;

банк миждози ва ходими узвийлигини таъминлашда жаҳон банклари томонидан кенг қўлланиб келинаётган «ўз миждозингни бил» тамойилига кўра, миждозни идентификациялаш, мониторинг қилиш, транзакциялар назоратини ўтказиш сингари омиллар билан бир қаторда, ижтимоий, иқтисодий, психологик омиллар таъсирини баҳолаш йўллари ишлаб чиқилган;



муаммоли кредитлар вужудга келишининг олдини олиш ҳамда кредитлар самарадорлигини таъминлашда йирик маълумотлар базаси «BIG DATA»нинг «Data mining» кредит тарихи дастурини яратиш орқали кредиторлар ҳолатини таҳлил қилишнинг тезкор ва шаффоф тарзда баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

банк инфратузилмасига доир илмий-назарий қарашлар, инфратузилманинг вужудга келиши ва ривожланиши тадқиқ этилиб, бунинг натижасида, «банк инфратузилмаси» тушунчасига муаллифлик ёндашуви шакллантирилган;

Ўзбекистон Республикаси банк инфратузилмасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асослар таҳлил қилиниб, банк тизимининг ривожланиш босқичлари тадқиқ этилган;

Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантиришда замонавий бозор механизмларини жорий этиш орқали инфратузилмани ривожлантириш босқичлари ва ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган;

банк инфратузилмасини ривожлантиришда унинг кучли ва заиф томонлари SWOT таҳлил асосида баҳоланган;

«Cash-in» ва «cash-out» банкоматлари сонини ошириш ва «cash-in» банкоматлари ёрдамида ҳисоб рақамларига ва банк пластик карточкаларига маблағларни ўтказишни такомиллаштириш услуги шакллантирилган;

банк инфратузилмасини ривожлантиришда инновацион технологиялар ёрдамида банк хизматларини тақдим этиш услуги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг тўғрилиги юқори рейтинг бўйича баҳоланган тижорат банклари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан келгусида тижорат банкларида банк инфратузилмасини ривожлантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни республикамиз банкларининг банк инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси банк тизими ўз тўловлар тизимини халқаро тўлов тизимларига интеграциялаш («Visa», «Master card» ва бошқалар) илмий таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва

ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармони иловасининг 62-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 13 августдаги СС-3-1/20-147-сон маълумотномаси). Халқаро тўлов тизимларига интеграциялаш натижасида 2019 йил II чорақда чет эл валютасини банкоматлар орқали конвертацияси бўйича бешта етакчи банкларда конвертация қилинган жами пул миқдори 4 527 450 АҚШ долларини ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2019 йил I-чорақда қайд этилган 2 406 580 АҚШ долларига нисбатан 88,1% га юқори бўлган;

Диссертантнинг аҳолига кўрсатиладиган молиявий хизматлар сифати ва сонини ошириш, «Online banking» хизмати, «NFC», «QR» код тўлов турлари ва «Cash by Code», «Cash to card», «card to card», «cash-in» инфокиосклар орқали аҳолига масофавий банк хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш борасидаги илмий таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармонинг «3.2. Банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш ҳамда соҳага замонавий бозор механизмларини жорий этиш» иловаси 62-банди: «Банк тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш»ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 13 августдаги СС-3-1/20-147-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш орқали тўлов сифати, тури такомиллаштирилиб, банк миждозларини хорижий валютадаги маблағларини ўзлари бошқариш имкони яратилиб, операцион харажатлар қисқариши ва миждозлар сонининг ортишига ёрдам берган;

банк инфратузилмасини ривожлантиришга таъсир этувчи ижтимоий, иқтисодий, психологик омиллар таъсирини баҳолаш асосида банк инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклиф «Ликвидликни бошқариш тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқишда инobatга олинган («Трастбанк» ХАБнинг 2019 йил 16 сентябрдаги 01/2-2897-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг миждозлари сони 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 24 фоизга кўпайган;

муаммоли кредитлар вужудга келишининг олдини олиш ҳамда кредитлар самарадорлигини таъминлашда BIG DATA кредит тарихи дастурини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан «Муаммоли кредитларни бошқариш тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқишда инobatга олинган («Трастбанк» ХАБнинг 2019 йил 16 сентябрдаги 01/2-2897-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан келиб чиққан ҳолда «Трастбанк»да муаммоли кредитларни инновацион бошқариш тизими жорий этилган ва бу кредит рискининг олдини олиш орқали банк самарадорлиги ва даромадини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари бўйича ТДИУ хузуридаги ИТМда «Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантириш йўллари» мавзусидаги тижорат банклари вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида, шунингдек, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 2 та жамоавий монография, 1 та илмий рисола, ОАК эътироф этган илмий журналларда 8 та илмий мақола, шунингдек, нуфузли хорижий журналларда 2 та мақола, шунингдек, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида 8 та маъруза тезиси нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк инфратузилмасини ривожлантиришнинг назарий, ташкилий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида банк инфратузилмасини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари тадқиқ қилинади. Тадқиқот жараёнида банк тизимида банк инфратузилмаси бўйича илмий ва назарий фикрлар, банк инфратузилмасини ташкил этиш йўллари ва банк инфратузилмасининг молия бозори билан узвий боғлиқлигининг назарий жиҳатлари ёритиб берилган.

Мазкур параграф доирасида хорижлик ва маҳаллий олимларнинг ушбу йўналишдаги тадқиқотлари ўрганилиб, муаллифлик таърифи шакллантирилди:

**Банк инфратузилмаси** – банк тизимининг узлуксиз ва самарали фаолият юритиши учун зарур шароитларни таъминловчи ва мижозларга банк хизматларини етказишга хизмат қилувчи институт ва элементлар мажмуасидир.

Банк инфратузилмасига турли корхоналар, шунингдек, банк фаолиятини таъминловчи агентлик ва хизматлар мажмуаси киради. Банк персоналнинг нормал фаолияти учун банк ички инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади, унинг элементларига қуйидагилар киради:

1) кредит муассасасининг нуфузи ва улар бажарадиган операциялар рўйхатини белгиловчи қонунчилик;

2) банкнинг ўз манфаатлари каби, унинг ҳиссадорлари, мижозларининг ҳам ҳимояси ва қонунчилик ҳужжати бажарилишини таъминловчи операцияларни амалга оширишга оид ички қоидалар;

3) замонавий коммуникация тизимлари базасида банк фаолиятини бошқариш, маълумотларни компьютерда қайта ишлаш, таҳлилий асос, ҳисоботни тузиш;

4) банк бошқаруви аппаратининг тузилиши. Иқтисодий институт сифатида банк банкнинг мақсади ва унинг амалий йўналишларига жавоб берувчи қатор бўлинмаларга эга бўлиши лозим, айнан шу мақсадларда банкда секторлар, бўлимлар ҳамда тегишли бўйсунувга эга бошқарув ташкил этилади<sup>8</sup>.

Ташқи банк инфратузилмасига: ахборот, услубий, илмий ва кадрлар таъминоти, шунингдек, алоқа ва коммуникация воситалари киради.

Юқоридаги назарий жиҳатларни, иқтисодчи олимларнинг қарама-қарши фикрларини таҳлил қилган ҳолда ушбу таърифлар мажмуаси мужассамлаштирилди.

Қуйидаги жадвалда банк инфратузилмасининг асосий ва ёрдамчи блоклар асосида бошқарилиши акс эттирилган бўлиб, олимларнинг фикрлари негизда умумлаштирилган.

**1-жадвал**

**Банк инфратузилмасининг таркибий элементлари тизими<sup>9</sup>**

Ички элементлар	Ташқи элементлар
Қонунчилик ҳужжатларининг бажарилиши	Қонун чиқарувчи органлар
Илмий-услубий таъминотни кенгайтириш	Банклар ассоциацияси
Ахборот-коммуникация технологиялари	Суғурта компаниялари
Банк мижозлари ва омонатчилар манфаатлари	Коллекторлик агентликлари
Банк бошқаруви аппарати	Аудиторлик ва консалтинг компаниялари
Банкнинг ички ҳужжатлари	АКТ компаниялари
Банк операцияларини амалга ошириш бўйича ички қоидалар	Олий таълим муассасалари

Юқоридаги назарий жиҳатларни тадқиқ этиш асосида банк инфратузилмасининг таркибий элементлар, яъни ташқи ва ички элементлар асосида бошқарилиши акс эттирилган бўлиб, улар олимларнинг фикрлари негизда умумлаштирилган.

Мамлакатда банк инфратузилмасининг ривожланиши банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон банк тизими ривожланишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалиётда қўлланилишини босқичма-босқич амалга ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди (2-жадвал).

<sup>8</sup> Лаврушин О.И. Банковское дело: Учебник – М.: Кно Рус, 2014. – С. 192.

<sup>9</sup> Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ривожлантириш босқичлари<sup>10</sup>


Босқич	Йиллар	Банк тизимини ривожлантириш чоралари	Ислохот натижалари
1	1991-1994	Ўтиш даврига хос икки поғонали банк тизимининг шаклланиши	Республика банк тизимининг замонавийлашган кўриниши
2	1995-2000	Республика товар айланмасини жадаллаштириш мақсадида инновацион молиявий маҳсулотлар муомаласини янада ривожлантириш	Мамлакат товар айланмаси механизмини жадаллаштирувчи молиявий инструмент ва кредит муносабати муомалага киритилди
3	2001-2007	Банкларнинг хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш ва инвестицион жараёнларда кенг қатнашиши	Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг янги турлари татбиқ этилди
4	2008-2010	Тижорат банклари капиталлашуви даражасининг ошиши ва уларнинг иқтисодий модернизациялаш жараёнида фаол қатнашиши	Тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ошди ва улар иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлашувига жалб этилди
5	2011-2015	Молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш	Тижорат банклари янги хизматлар турлари сони ортди ва инновацион маҳсулотлар татбиқ этилди
6	2017-2021	Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси	Банк тизимини ислоҳ қилиш барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш, шунингдек, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш кутилмоқда

2019 йил 5 ноябрдаги ЎРҚ-580-сон Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 2019 йил 19 сентябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сон Қонунида банк фаолиятини тубдан ислоҳ этишда банк инфратузилмасини янада ривожлантириш, тўлов тизими инфратузилмалари билан таъминлаш, тўловларнинг замонавий шакллари жорий этиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, банкларда инфратузилма ривожланиши ҳуқуқий асосларнинг жорий этилиши ва уларни амалиётда қўлланилиши банк тизимида мижозларга кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини оширади ва аҳолининг банк хизматларига бўлган талабининг ошишига олиб келади

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида банк инфратузилмасининг жорий ҳолати ва унинг таҳлили» деб номланган иккинчи бобида банк инфратузилмасининг жорий ҳолати ёритиб берилган. Уларнинг афзалликлари ва камчилик томонларини ўрганишга амалий ва таҳлилий ёндашилган. Шунингдек, банк инфратузилмасини ташкил этувчи бир қатор омиллар кетма-кетлиги тизимлаштирилиб, бунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш орқали миллий валюта барқарорлигини таъминлаш механизми муаллиф томонидан тизимлаштирилган.



**1-расм. Банк инфратузилмасини ташкил этувчи омиллар<sup>11</sup>**

Мазкур омиллар ёрдамида тўловларни амалга оширишда замонавий инфратузилмалар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

электрон тўлов тизимларини ривожлантириш йўли билан банкнинг операцион харажатларини камайтириш имконияти яратилади.

Тадқиқот давомида банк инфратузилмасининг ҳолати ҳудудлар кесимида таҳлил қилинди.

Аҳоли жон бошига тўғри келувчи пластик карточкалар улуши ҳисобланганда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 0,5 тадан пластик карточка тўғри келиб, энг катта улуш Тошкент шаҳрига тўғри келиб 1,9 тани ташкил этмоқда. Бу эса ҳудудларда аҳолининг пластик карточка билан таъминланиш қамрови Тошкент шаҳри билан қиёсланганда юқори эмаслигини кўрсатмоқда.

Банклар томонидан ўрнатилган банкоматлар сони жами 301 тани ташкил этган бўлса, уларнинг 133 таси ёки 44,2 % Тошкент шаҳрида, 28 таси ёки 9,3 % Навоий вилоятида, 19 таси ёки 6,3% Фарғона вилоятида жойлашган. Ўрнатилган банкоматлар сони Сирдарё вилоятида 4 та, Сурхондарё вилоятида 5 та, Жиззах вилоятида 6 та, Қашқадарё вилоятида 8 тани ташкил этган.

2019 йил ҳолатига кўра республикада банклар томонидан ўрнатилган инфокиосклар сони эса 4653 тага етди. Ушбу инфокиоскларнинг 2476 таси ёки 53,2%и Тошкент шаҳрида жойлашган. Банк инфокиосклари сони Фарғона вилоятида 402 та, Сурхондарё вилоятида 264 та, Самарқанд вилоятида 263 та, Наманган вилоятида 241 тани ташкил этди. Сирдарё вилоятида 43 та, Жиззах вилоятида 55 та, Навоий вилоятида 91 та инфокиоск мавжуд (2-расм).




2-расм. Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича терминал, инфокиоск ва банкоматларнинг тақсимланиши (% да 2019 йил )<sup>12</sup>

Аҳолининг банкоматлардан фойдаланиш даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республикада 2000-2019 йиллар мобайнида жами 7954 та банкомат ва инфокиосклар ўрнатилган. 2009 йилда 100 минг аҳолига 1,94 та банкомат тўғри келса, 2019 йилда 32,74 та банкомат тўғри келмоқда. Бу эса мамлакатда сўнгги йилларда банкоматлар сони ортганини билдиради.

Масофали банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари бўйича тақсимланиш ҳолатига эътибор қаратилса, 2019 йилда масофали банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг энг катта улуши, 30 % «Агробанк» АТБ

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ҳиссасига тўғри келган, кейинги ўринни «Халқ банки» АТ – 17 % улуши билан эгаллайди (3-расм).




3-расм. Ўзбекистонда масофали банк хизматларидан фойдаланувчиларнинг тижорат банклари бўйича тақсимланиши (2019 й)<sup>13</sup>

Бугунги кунда мамлакатимизда банк тизимидаги мавжуд ислохотлар натижасида кескин ва самарали ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ юқоридаги таҳлилларимизнинг исботи сифатида ҳали-ҳануз тижорат банклари орасида инновацион янгиликларни кенг қамровли жалб қилиб улгурмаган банклар ҳам мавжуд. Шиддатли иқтисодий ўзгаришлар даврида ҳар соҳада бўлганидек, банк тизимида ҳам янгича ёндашувлар мижозлар талабига айланмоқда.

Тадқиқот давомида тижорат банклари ходимлари ва мижозлари ўртасида ўтказилган сўровномалар натижалари шуни кўрсатадики, банк мижозлари ўз вақтини самарали тақсимлаш истагидадир. Бунинг учун банклардаги мавжуд кутишлар, ҳужжатлаштиришдаги қоғоз тўлдириш ва тушунмовчиликлар уларнинг банк тизимидан тўлақонли қониқмаслигига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ўтказилган сўровномага кўра, банк хизматларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар қуйидагича (4-расм).



4-расм. Банк мижозларининг банк хизматларидан фойдаланиш кесими<sup>14</sup>

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



Банк мижозлари томонидан энг кўп фойдаланиладиган хизмат тури кредит ва омонат хизмат турлари бўлиб, масофали бошқарилувчи хизматлар кесимида мобиль банкинг етакчи ҳисобланади. Шунингдек, банк мижозларининг 65 %и банк хизматларидан банкка келиб фойдаланишни афзал кўрса, 35 %и масофавий хизматлардан фойдаланиш қулайлигини билдирган.

Юқоридаги банк ходимларининг таклифларини таҳлил қилар эканмиз, булар банкларнинг самарали фаолияти натижасида банк даромади ортиши асосида амалга оширилиши мумкин бўлган муаммолардир (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Банк ходимлари ва мижозларининг банк инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлари**

Банк ходимлари	Банк мижозлари
Онлайн хизмат турларини янада ривожлантириш учун норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритиш	Онлайн кредит беришни йўлга қўйиш
Кадрлар малакасини ошириш ва уларни рағбатлантириб бориш	Хизмат турларидан бир жойнинг ўзида фойдаланиш
Мижозларга масофавий хизмат кўрсатишни мобиллаштириш	Кўрсатилган хизматлар учун олинadиган фоизларни пасайтириш
Электрон ҳужжат алмашувини янада такомиллаштириш	Банк хизмат турларини кенгайтириш ва янада ривожлантириш
Банкларда электрон тўлов тизимини йўлга қўйиш	Масофадан хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ва Call марказларини ташкил этиш
Банкоматлардан 24/7 фойдаланиш имкониятини яратиш	Малакали банк ходимлари хизмат кўрсатишини таъминлаш
Кредит тарихи базаси «Data mining» яратиш	Минибанклар ва банк филиаллари сонини кўпайтириш

Бу борада мижозларнинг банкка бўлган ишончини ошириш ва уларни жалб этиш учун диссертация ишида қуйидаги тавсиялар берилган:

- банк имижини кўтариш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш;
- замонавий банк хизматларини кўпайтириш, реклама;
- кредит олиш масаласида янгиликлар яратиш;
- мижозлар талабларини ўрганиб бориш;
- омонат турларини кўпайтириш;
- масофавий банк хизматларидан фойдаланиш;
- мижозларни рағбатлантириб бориш<sup>15</sup>.

Шу билан бирга, банк инфратузилмасини ривожлантириш асосида банк мижозларининг талабларини амалга ошириш имконига эга бўлинади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мижозларни жалб этиш жараёнида давлат акциядорлик тижорат банклари, акциядорлик тижорат банклари ва хусусий

<sup>14</sup> Сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>15</sup> «Агробанк» АТБ, «Асака банк» АТБ, «Ипак йўли банки» АТБ, «Трастбанк» ХТБ ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ходимлари билан ўтказилган сўровнома натижалари.

акциядорлик банклари фаолиятида бошқарув стратегиялари турли хил бўлиб, шу асосда банк хизматлари кўлами ҳам турлича бўлмоқда.

Агар банк инфратузилмаси SWOT-таҳлил асосида тадқиқ этилса, қуйидаги муаммолар мавжудлигини кузатиш мумкин.

аҳолининг кредитга талаби юқорилиги шароитида ресурс манбаининг етишмаслиги;

кўрсатилган банк хизматлари ва ўтказмалари учун олинадиган фоиз ставкаларининг юқорилиги;

банклар ҳудудий филиаллари тармоқларининг яхши ривожланмаганлиги ва инфратузилма билан таъминланмаганлиги;

масофадан бошқарилувчи хизмат турларини кўрсатишда Интернет тармоғидаги узилишлар;

банклар томонидан инфратузилмани ривожлантириш мақсадида харид қилинаётган техникалар нархининг юқорилиги ва айрим банклар ушбу техникаларни харид қила олмаслиги;

ҳудудларда банккомат ва банк филиаллари сонининг етарли эмаслиги ёки аҳоли яшаш пунктларидан узоқ масофада жойлашганлиги сингари муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Бироқ банк инфратузилмасини ривожлантиришга таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб уларнинг олдини олиш кутилган ижобий натижага эришиш имконияти ҳисобланади (5-расм).


Ушбу расмда банк инфратузилмасини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар шакллантирилган. Банк мижозлари ва банк ходимлари асосий иштирокчи бўлиб, мақсад банкнинг даромадга эга бўлишидир. Таъсир этувчи омиллар: иқтисодий, ижтимоий-психологик турларга бўлинди.

Бу эса, муаллифнинг фикри бўйича тижорат банкларининг инвестицион жозибadorлиги, капиталлашув даражаси ва банк ликвидлиги оширилиши, пировардида, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, асосий кўрсаткичлар яхшиланиши ва халқаро талабларга жавоб бериши учун мустаҳкам замин яратади. Ушбу кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш банк инфратузилмасини ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Ўз навбатида банк инфратузилмасини ривожлантириш банк хизматлари кўламини кенгайтириш, мижозлар сонини ошириш билан боғлиқ самарали механизм кетма-кетлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра: банк инфратузилмасини ривожлантириш ва банк хизматлари самарадорлигини оширишга қуйидаги омиллар ҳам бевосита таъсир кўрсатади:

1) банк хизматлари самарадорлигини мониторинг қилиш усуллари жорий этилганлиги. Бу омил банк хизматларидан фойдаланувчи аҳоли томонидан янгиликларнинг қабул қилинмаслиги билан боғлиқ;

2) инсон омилининг таъсири. Кредит ташкилотлари томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш (ходимлар, раҳбарият, мижозлар, шериклар, рақобатчилар)га қаратилган, бунда ижтимоий-иқтисодий ва психологик омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Хизмат кўрсатиш бўйича технологик самарадорликнинг ошиши, шубҳасиз, инсон омилли билан бевосита боғлиқ;



5-расм. Банк инфратузилмасини такомиллаштириш омиллари<sup>16</sup>

3) технологияларнинг таъсири. Ҳозирги кунда банк хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш минтақада технологияларнинг умумий ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ;

4) ташкилий тузилмани такомиллаштириш омили. Аҳолига банк томонидан хизмат кўрсатишнинг умумий самарадорлигига қаратилган чора-тадбирлар ташкилотнинг ташкилий тузилмасини ўзгартириш, кафолатларни қайта кўриб чиқиш, мажбуриятларни тўғри тақсимлаш билан чамбарчас боғлиқ. Банк томонидан бошқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш усуллари шакллантириш жараёнида амалдаги ташкилий тузилманинг имкониятларидан фойдаланиш лозим, яширин салоҳиятни аниқлаш, сўнг банк тузилмасида янги имкониятларни очиб бериш ва улардан фойдаланиш лозим, бу эса бўлинмалар ўртасидаги ички алоқаларни аста-секинлик билан ўзгартиради ва ташкилий тузилмага ижобий таъсир кўрсатади;

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

5) узлуксиз мотивация ва назорат қилишга эҳтиёж. Инсон омилини ҳисобга олган ҳолда банк хизматларини муваффақиятли ва сифатли амалга ошириш учун бошқаришнинг асосий вазифаларини бажариш лозим: режалаштириш, ташкил этиш, мотивация ва назорат қилиш. Хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи аниқ чора-тадбирларни режалаштиришда мотивация ва назорат қилиш вазифалари муҳим аҳамият касб этади;

б) корпоратив мижозлар. Хизмат кўрсатиш тезлиги, ахборотнинг аниқлиги, ҳақиқийлиги, банк комиссиясининг миқдори кредит ташкилотини танлаб олишда корпоратив мижозлар учун ҳал қилувчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Мазкур мижозлар тоифалари учун мазкур мезонларнинг аҳамиятига кунлик битимлар тузиш, муайян муддатда мажбуриятларни қоплаш ва корхонадаги молиявий-иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўзаро боғлиқлиги таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, банк хизматлари бозорининг иштирокчилари банк хизматлари самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, банк хизматларининг ривожланиши, ходимлар фаолиятининг мижозларга қаратилганлик даражасини ошириш, ходимлар малакасини ошириш, инновацион хизматларни жорий этиш, хизмат кўрсатиш усулларини такомиллаштириш, янги технологияларни қўллаш йўли билан самарадорликни ошириш – банк инфратузилмасининг ривожланишига олиб келади. Бунда инфратузилмани амалга ошириш механизми шакллантирилади.

Шунингдек, бугунги кунда хорижнинг бир қатор йирик банклари томонидан кенг фойдаланиб келинаётган «ўз мижозингни бил» (Know your customer) тамойилига кўра, банк мижозларини идентификациялаш, мониторинг қилиш билан бир қаторда, ижтимоий, иқтисодий ва психологик омиллар таъсирини ҳам баҳолаш банкнинг нафқат иқтисодий ҳолатига, балки келажакда мижозларнинг талабларига қараб хизмат турларининг ўзгариб боришига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу тамойилга кўра, банк мижозларининг асосий қисмини реал сектор иштирокчилари ташкил этади. Ушбу секторга ажратилган кредитларнинг самарали йўналтирилганлигини назорат қилиб бориш, пул маблағларини яширин иқтисодиётга йўналтирилмаётганлиги устидан назорат олиб боришда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Ўзбекистонда банк инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари**» деб номланиб, унда юқоридаги назарий, услубий, таҳлилий изланишлар натижасидан келиб чиқиб, мавзуга доир муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, бугунги кунда масофадан бошқарилувчи банк хизматларидан асосий фойдаланувчилар Тошкент шаҳри аҳолиси ҳисобланади. Пластик карточкалар, банкоматлар сони жиҳатидан ҳам Тошкент шаҳри етакчилик қилмоқда. Бу эса, мамлакатимиз ҳудудларида инфратузилма етарли даражада ривожланмаганидан далолат беради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк тизими ва «рақамли банк»ни ривожлантириш, инновацияларга асосланган хизмат турларини кенгайтириш ва

мавжуд банк хизматларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Шулардан бири «рақамли банк» бўлиб, ушбу хизмат тури сўнгги йилларда ривожланган ва ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар банк тизимида кенг қўлланиб келмоқда. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартиб – қоидаларига асосан, ҳужжатлар талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади»<sup>17</sup>.

Рақамли банк хизмат турлари афзалликлари шундаки, ушбу хизмат туридан фойдаланувчилар ўзларига қулай ва хамёнбоп бўлган хизмат турини танлаш имкониятига эга бўладилар.

Олиб борилган таҳлилларимизга кўра, ривожланган мамлакатларда банк инфратузилмасининг ривожланиш даражаси йилдан-йилга ортиб, анъанавий кўринишдаги банклар ўрнини рақамли банклар, шунингдек, бир турдаги банк хизматлари ўрнини масофадан бошқарилувчи ва рақамли хизматлар эгалламоқда. Рақамли банклар анъанавий банкларни конфиденциаллик, хавфсизлик, муаммоларни ҳал этиш ва тўловларни амалга оширишнинг реал вақт режимида кечиши сингари асосий мезонлар бўйича ҳам ортда қолдирди. «Рақамли банк» тизими жараёнларнинг юқори даражада автоматлашуви, хизматларнинг веб-сайтларга асосланиши, институтлараро банк маҳсулотлари етказиб беришни таъминловчи дастурий интерфейс иловаларидан (API) фойдаланиш, мижозларга молиявий ахборотга компьютер, мобиль телефон ва банкоматлар орқали боғланиш имконияти мавжудлигига асосланади<sup>18</sup>.

АҚШ, Япония, Буюк Британия, Корея, Германияда ушбу хизмат тури анъанавий тарздаги банк хизматига айланиб бўлган. Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Белорусияда эса «рақамли банк» дан фойдаланувчилар сони бошқа хизмат турларига нисбатан юқори. Бу эса банкларга бориб мурожаат этиш, ҳужжатларни тўлдириш ва ортикча вақтни сарфлагандан кўра, исталган ердан керакли банк хизматларидан арзон, қулай ва сифатли тарзда фойдаланиш афзал эканлигини кўрсатмоқда.

Хитой банклари бугунги кунда активлари ва капиталлашуви даражаси билан дунёда етакчи банклардан бири ҳисобланади. 1991 йилда Хитой Халқ банки ўз «China Union Pay» миллий тўлов тизимини Visa ва Master Card билан ҳамкорликда ишга туширди. Жами карталар сони 5 млрд.га етиб, Хитойда аҳоли жон бошига 3 тадан банк пластик карталари тўғри келмоқда. «China Union Pay» тўлов тизими карталаридан дунёнинг 160 та мамлакатада фойдаланилиб, АҚШ тўлов тизими «Visa» ва «Master Card»нинг асосий рақобатчиларидан бири ҳисобланади. Европада тижорат ташкилотларининг 70 фоизи Хитой миллий тўлов тизими карталарида тўловларни қабул қилмоқда.

